

БАНКЛАРДА ЛИКВИДЛИЛИКНИ БОШҚАРИШ СТРАТЕГИЯСИ ЙЎЛЛАРИ

Тожиёв Раҳматилла Раҳмонович

Тошкент давлат иқтисодиёт университети доценти

ARTICLE INFO.

Таянч сўз ва иборалар:

Тижорат банклари, ликвидлик, ички ва ташқи омиллар, омиллар, банк сектори, бошқарув, активлар, пасивлар, кредит.

Аннотация

Илмий мақолада тижорат банклари ликвидлигини бошқариш стратегиясини такомиллаштиришга оид масалалар кўриб чиқилган.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl/> © 2022 LWAB.

Кириш. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йилдаги 15 майдаги “2020 - 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги ПФ-5992-сон фармонида “капиталнинг етарлилиги ва ликвидлик кўрсаткичи талабларига қатъий риоя этилишини, шу жумладан мавжуд талабларни қайта кўриб чиқиш ва уларни Банк назорати бўйича Базель кўмитасининг стандартларига мувофиқлаштириш орқали таъминлаш”[1] га доир чора-тадбирларда “банклар бизнес-моделларининг корпоратив мижозларга хизмат кўрсатишга йўналтирилганлиги, нобанк молия ташкилотлари, инновациялар ва ахборот тизимларининг сушт ривожланганлиги сабабли”ни кенгайтириш, пандемия шароитида тижорат банкларини қўллаб қувватлашда “банк ва унинг атрофидаги муҳитнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ва аниқ ифодаланган ликвидлиликни бошқариш сиёсатининг мавжудлиги”ни таъминлаш орқали амалга оширилмоқда [2].

Шу боис, тижорат банкининг ликвидлиги унинг ишончлилиги ва барқарорлигини белгилайдиган банк фаолиятининг асосий сифат кўрсаткичларидан бири сифатида кредит ва банк секторининг иқтисодиётдаги таркибий қисми учун асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқотлар натижасида банк тизимини ривожлантириш, инновацион тижорат банклари ликвидлигини бошқариш стратегияси ўрганилган бўлиб, банк ликвидлигини бошқарувидаги самарадорлиги бўйича илмий хулосалар ва таклифлар ишлаб чиқилган. Тадқиқотни олиб бориш жараёнида абстракт фикрлаш, тизимли ёндашув, комплекс баҳолаш каби усуллардан кенг фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Фикримизча, тижорат банкининг ликвидлиликни бошқариш стратегиясини ишлаб чиқишда банкларда ликвидлилик рискининг юзага келиш омилларига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Чунончи, молия бозорига ликвидлиликни тақдим этиш бўйича бизнес қарорлари, банкнинг мавқеига путур етиши, маҳсулотлари ва хизматлари бозоридаги

банк позициянинг ёмонлашуви, шунингдек, бевосита банкка боғлиқ бўлмаган турли ташқи омиллар ликвидлилик рискинни келтириб чиқариши мумкин.

Бундан ташқари, тижорат банкининг ликвидлиликни бошқариш стратегияси ликвидлилик дефицити ва ортиқча ликвидлиликни доимий мониторинг қилиш ва бартараф этиш чораларини ҳам ўзида ифода этиши керак. Чунки тижорат банки мажбуриятларидан ташқари, кредитга лаёқатлилик стандартларига жавоб берадиган исталган мижознинг кредитга бўлган талабини ҳам қондира олиши лозим. Акс ҳолда, банк бу мижозни йўқотиши, бу билан боғлиқ тарзда кредит хизматлари бозоридаги мавқеини пасайишига сабаб бўлиши мумкин.

Демак, ликвидлилик дефицитини ўлчашда беқарор пасивларнинг муддатли активларга айланиши коэффицентидан фойдаланиш мумкин. Бунда беқарор пасивлардан ликвидли активлар чегирлиб, қолган сумма беқарор пасивларга бўлинади. Одатда бу коэффицентнинг 20 фоиздан ошишига йўл қўйиб бўлмайди.

Банкларда ликвидлиликни бошқариш стратегияси самарадорлигини таъминлашнинг муҳим асоси бошқарув қарорларини қабул қилиш учун зарур бўлган ахборот базасининг шакллантирилишидир.

Шунингдек, банк активлари бўйича ҳам нақд пуллар, вакиллик ҳисоб рақамлари қолдиғи ва унинг ўзгариб туриши, иккиламчи захиралар ҳажми, юқори ликвидли давлат қимматли қоғозларига инвестициялар, кредит ва лизинглар, хўжалик субъектларининг кредитга бўлган талаби хос мавсумий жиҳатлар (айниқса Агробанк АТБ мисолида), бино иншоотлар қиймати ва қурилиши мўлжалланаётган янги бинолар барчаси бўйича маълумотлар жамланиши ва чуқур таҳлил қилиниши талаб этилади.

Бундан ташқари, банк ликвидлигини бошқариш стратегиясида хорижий валютадаги ликвидлиликни таъминлаш бўйича муҳим чоралар белгиланиши лозим. Бунинг боиси шундаки, банкнинг хорижий валютадаги мажбуриятлари ва активлари ўртасида муддат ва миқдор жиҳатидан мутаносиблик таъминланмас экан, сўмнинг хорижий валюталарга нисбатан алмашув курсининг ҳар қандай салбий ўзгариши хорижий валютадаги ликвидлиликни харид қилиш бўйича сезиларли муаммоларнинг юзага келишига сабаб бўлиши мумкин.

“Агробанк” АТБ мисолида кўрадиган бўлсак, у стратегиясида ўз миссияси - аграр ва аграр секторнинг барқарор ривожланишини таъминлаш, мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, фермерлик ҳаракатини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш доирасида ҳар бир мижозни жумладан, хусусий, корпоратив ва давлатни молиявий эҳтиёжларига бўлган эътиборни доимий тарзда мувофиқлаштириш ҳамда барча ҳудудлардаги филиаллари орқали юқори сифатли ва ишончли банк хизматларини тақдим этиш йўли билан банк тизими ва Ўзбекистон иқтисодиётини ривожига ўз ҳиссасини қўшишга ҳаракат қилмоқда[3].

“Агробанк” АТБнинг бош стратегик мақсади - аграсаноат тармоғи корхоналарини қўллаб қувватлаш билан бирга, кенг қамровли инфратузилма тармоқлари орқали мижозларга замонавий банк хизматларини кўрсатувчи ва барқарор молиявий фаолиятни юритувчи универсал банк сифатида ривожланиб боришдан иборатдир. Банкнинг мазкур мақсади барқарор молиявий сиёсатини амалга ошириш, мижоз ва ресурс базасини босқичма-босқич ошириб бориш, халқаро талаблар доирасида ўз фаолиятини ташкил этиш ва молия бозорларида юқори самарали операцияларни амалга оширувчи, замонавий йирик рақобатбардош позицияни эгаллаш билан янги сифат даражаларига эришишдан иборатдир.

Юқорида таъкидланган стратегик мақсадга эришиш йўлида “Агробанк” АТБ томонидан қуйидаги вазифаларни бажариш белгиланган:


илғор хорижий банклар тажрибалари асосида банк хизматлари кўрсатишни янгича ёндашув асосида ташкил этиш мақсадида халқаро банк иши тажрибасига эга етук хорижий экспертларни

жалб этиш орқали банкда замонавий менежментни жорий этиш;

аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш ҳамда ҳар бир миқдорнинг талабини қондириш мақсадида мунтазам равишда миқдорларнинг талабларини мониторинг қилиб бориш, банк хизмати кўрсатиш маданиятини ошириш, илғор банк хизматларини кўрсатиш;

корпоратив бошқарув тизимини баҳолаб бориш ҳамда баҳолаш хулосаларига асосан такомиллаштириш, ISO 9001:2015 стандартларига жавоб берадиган менежмент сифатини барча филиалларда ташкил этиш ва сертификатларини олиш;

белгиланган мақсадларга эришишда банк капиталини етарлилик миқдорини таъминлаш;



1-расм. АТБ “Агробанк” филиалларида халқаро стандарт талабларига мувофиқ сифат менежменти тизимини жорий этиш, дон [3]

банк фаолиятини дунёда қабул қилинган стандартлар, услубиятлар ва баҳолаш кўрсаткичлари тизимига мослаштириш;

банк ликвидлилигига қўйилган Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган талаблар ва халқаро қоидалар доирасида бошқариш.

Банк ўз тараққиётини қатъий йўлини танлаб олиши ҳамда ликвидлилигини таъминлаши мақсадида, банк фаолиятини ривожлантиришнинг инновацион стратегиясини ишлаб чиқиши лозим. Ривожлантиришни ташкил этиш босқичлари учун банк стратегиясида белгиланган кўпгина мақсад ва вазифаларни бажариши банк томонидан таъминланади. Жумладан:

- банкнинг молиявий салоҳияти ва бошқарув қарорларининг тезкорлигини юқори даражада мустаҳкамлашга эришиши;
- юқори ликвидлик, сифат ва даромадлиликни таъминлаш йўналишида активларни қайтадан таркибланиши;
- банк рисклари билан боғлиқ бўлган қарорларни қабул қилиш жараёнларига субъектив омиллар таъсирини минималлаштириш ҳамда бошқарув органлари ва ходимлари ролини, жавобгарлигини кўчайтириш йўналишларида банк бошқаруви усуллари мувофиқ ўзгартиришлар киритилиши;
- комплекс банк хизматларига эҳтиёжи бўлган янада йирикроқ миқдорларни хизмат кўрсатишга жалб қилиш ҳисобидан хизмат кўрсатадиган миқдорлар сафини кенгайтириш;
- жамғарма операциялари ва нақд чет эл валютаси билан операциялари бўйича жисмоний шахслар учун банк операцияларини фаоллаштириш;
- бир вақтнинг ўзида йирик компанияларга хизмат кўрсатувчи бозор сегментига чиқиш.

Банкнинг ишончлиликл ва ликвидлик бўйича юқори кўрсаткичлари банкка банклараро бозорда ишлашни ҳамда рақобатда устунликни тақдим этади ва қисқа муддатли ликвидликни

таъминлашга, жорий тўловларни молиялаштиришни арзонлашувига, банк ҳисобидаги қолдиқлардан янада самарали фойдаланиш мақсадларида маблағларни жалб қилиш инструментларидан фойдаланишга имкон беради.

Фикримизча, ҳар бир тижорат банки ўз олдига қуйган мақсадларига ҳамда мос равишда кейинги истиқболдаги фаолиятини ва фаолият қўламини кенгайтириш учун асосий пойдевор бўлиб ҳисобланган банк капиталининг етарли миқдорини ҳамда ликвидлилик кўрсаткичларининг меъёрий даражасини таъминлай оладиган инновацион бошқариш стратегиясини шакллантириши лозим.

Умуман олганда, тижорат банкларида ликвидлиликни бошқаришнинг инновацион стратегияси барқарор шароитларда ва инқирозли вазиятларда банкларда ликвидлиликни бошқаришни кўзда тутиб, конъюнктура ўзгаришларидан келиб чиққан ҳолда, стратегияга мувофиқ ўзгартиришлар киритиш механизмининг ҳам ўз ичига олиши лозим (2-расм).

Шундай қилиб, банкда ликвидлиликни бошқариш сценарийларининг қуйидаги турлари ажратиб кўрсатилиши мумкин:

- ✓ стандарт сценарий: тарихий маълумотлар статистикаси асосида тўловлар оқимини прогнозлашга асосланган;
- ✓ “банкда инқироз” сценарийси: молия бозорларида инқироз бўлмаган шароитда банк фаолиятидаги салбий омиллар билан боғлиқ;
- ✓ “Бозор инқирози” сценарийси: молия бозорларининг инқирози билан боғлиқ.

Фикримизча, банкларда ликвидлиликни сценария асосида бошқаришда қуйидаги сценария параметрлари мажмуидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ саналади:

- ✓ муайян миқдорлар ва молиявий инструментлар бўйича кирим ва чиқим тўловлари ҳажмининг ўзгаришини прогнозлаш коэффициентлари;
- ✓ ликвидлилик дефицитини қоплаш мақсадида ликвидлиликни харид қилиш бўйича банкнинг банклараро бозордан қарз жалб қилиш имкониятини кўрсатувчи коэффициентлар;
- ✓ кредит ва бозор рискининг банкнинг кирим ва чиқим характеридаги тўловларига таъсирини моделлаштириш параметрлари;
- ✓ Маҳаллий ликвидлилик инқирозлари юзага келишини прогнозлаш имконини берувчи макроиктисодий параметрлар.

Ликвидлиликни сценария асосида бошқариш тизими ҳар бир сценария доирасида юқоридаги параметрларни моделлаштириш асосида ликвидликка бўлган талабни баҳолаш имконини бериши лозим.

Маълумки, банк тизимларининг тараққий этиши оқибатида ноликвид ҳисобланган ссудаларни сотиш ва активларни секюритизациялаш амалиётлари кенг тарқалди. Бу банкларга ликвидлик талаби кескин ошганда ноликвид активларни секюритизациялаш орқали четдан ликвид маблағ жалб қилиш имконини беради.

Банк ликвидлилик рискининг келтириб чиқарувчи яна бир манба – бу банкнинг фоиз ставкаси ўзгаришига мойиллигидир. Бунда рискни юмшатиш ва самарали бошқариш мақсадида ГЭП усулини қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Хулоса ва таклифлар. Юқоридагилардан келиб чиқиб, тижорат банкларининг ликвидлик даражасига ташқи ва ички омиллар таъсирини қайд этган ҳолда, банк ташқи омилларнинг таъсирини чеклаб қўйиши мумкин эмас, шунинг учун тижорат банкининг фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган ички омилларга кўпроқ эътибор қаратиш керак, чунки уларни бошқариш орқали ликвидликка бўлган салбий таъсирини камайтириш мумкин.

Умуман олганда, амалга оширилган тадқиқотларга асосланиб қуйидаги хулосалар шакллантирилди:

- хорижий банкларнинг ликвидлилиги, баланс ликвидлигини ифодаловчи ва баланс асосида ҳисобланувчи молиявий коэффициентлар, шунингдек маълум даврларда активлар ва пасивларнинг оборотини ҳисобга олган ҳолда ликвид маблағларга бўлган потенциал эҳтиёжни аниқлаш асосида ўлчанади;
- Ликвидлиликни тартибга солиш бўйича Базель талаблари тижорат банклари жорий ликвидлигини оширишни тақозо этмоқда.
- Тижорат банкларида ликвидлиликни бошқаришнинг инновацион стратегияси барқарор шароитларда ва инқирозли вазиятларда банкларда ликвидлиликни бошқаришни кўзда тутиб, конъюнктура ўзгаришларидан келиб чиққан ҳолда, стратегияга мувофиқ ўзгартиришлар киритиш механизмини ҳам ўз ичига олиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йилдаги 15 майдаги “2020 — 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги ПФ-5992-сон фармони. <https://lex.uz/docs/4811025>
2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2021 йил 23 сентябрдаги “Тижорат банкларининг ликвидлигини бошқаришга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори,
3. https://agrobank.uz/upload_files/documentation_file/5fda25e6c22be.pdf
4. Якубова, Ш. Ш. (2018). МЕЖДУНАРОДНЫЙ ОПЫТ ПРИМЕНЕНИЯ КАНАЛОВ ТРАНСМИССИОННОГО МЕХАНИЗМА ДЕНЕЖНО-КРЕДИТНОЙ ПОЛИТИКИ. Ученый XXI века, 8, 43.
5. Якубова, Ш. Ш. (2018). МЕЖДУНАРОДНЫЙ ОПЫТ ПРИМЕНЕНИЯ КАНАЛОВ ТРАНСМИССИОННОГО МЕХАНИЗМА ДЕНЕЖНО-КРЕДИТНОЙ ПОЛИТИКИ. Ученый XXI века, 8, 43.
6. Yakubova, Sh. Sh., Rashidov, R. I., Umarova, M. X., & Urinov, K. T. (2022). Ways of effective implementation of monetary policy in our country. ISJ Theoretical & Applied Science, 03 (107), 859-864. Soi: <http://s-o-i.org/1.1/TAS-03-107-64> Doi: <https://dx.doi.org/10.15863/TAS.2022.03.107.64>